

Қорақалпоғистон тиббиёт институти  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил “ 31” майдаги  
2-сон мажлис баённомасига  
5-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти раҳбари ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларга асосланган рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш коцепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрь кундаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорлари, Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг (кейинги ўринларда - Институт) профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, мукофотлаш, устама ҳақ белгилаш ва моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 август кундаги “Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 517-сонли қарорининг иловасидаги Низомига асосан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**профессор-ўқитувчилар** – Институтда кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-ассистент лавозимида фаолият юритадиган шахслар;

**бошқарув-маъмурий ходимлар** – Институтда бошқарув, маъмурий лавозим ва бўлинмаларида фаолият юритадиган шахслар;

**хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар** – Институтда техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар лавозимларида фаолият юритадиган шахслар.

4. Мазкур Низом Институтда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси асосида фаолият юритаётган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

## **II-боб. Меҳнатга ҳақ тўлаш**

1. Институтда меҳнатга ҳақ тўлашни белгилаш профессор-ўқитувчилар, бошқарув-маъмурий ходимлар, хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар учун амалга оширилади.

2. Профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарорига мувофиқ киритилган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари миқдорида амалга оширилади.

3. Базавий лавозим маошлари миқдори Президент қарорлари асосида энг кам иш ҳақи миқдори оширилганда ўрнатилган тартибда индексацияланади.

4. Базавий лавозим маошлари миқдори Президент қарорлари асосида энг кам иш ҳақи миқдори оширилганда ўрнатилган тартибда индексацияланади.

5. Институтга молиявий мустақиллик берилиши муносабати билан таълим муассасалари ўртасида рақобатбардошликни ошириш, меҳнат бозорида жозибадор иш ўринларини яратиш орқали юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, Институт фаолиятини натижадорлиги ва самарадорлигини ҳамда маҳаллий ва хорижий нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек кафолатланган ойлик иш ҳақини таклиф қилиш мақсадида Ягона тариф сеткаси асосида ойлик иш ҳақи белгилашда **3га** кўпайтирилган тариф коэффициенти қўлланилади.

6. Хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарорига мувофиқ киритилган олий таълим муассасалари техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар таркибининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари миқдори, меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва амалдаги бошқа норматив-ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

7. Базавий лавозим маошлари миқдори Президент қарорлари асосида энг кам иш ҳақи миқдори оширилганда ўрнатилган тартибда индексацияланади.

### **III-боб. Моддий ва кўшимча рағбатлантириш, устама ҳақларини белгилаш ҳамда моддий ёрдам бериш**

1. Институт профессор-ўқитувчилари, бошқарув-маъмурий ходимлар, хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимларга моддий рағбатлантиришда қуйидаги моддий рағбатлантириш турлари қўлланилади:

- Ойлик иш ҳақига белгиланган устамалар
- Бир марталик мукофот (пул ва натура кўринишида)
- Кўшимчалар
- Пуллик моддий ёрдам

1.1. Ойлик иш ҳақига белгиланган устамалар – Институтда юқори касб маҳоратига эга бўлган, топширилган вазифаларни аниқ, сифатли бажараётган, жамоат ишларида фаол меҳнат қилаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақига фоиз кўринишида белгиланади;

1.2. Илмий фаолият натижасини кўшимча рағбатлантириш – асосий лавозимда фаолият юритаётган барча ходимларга Институтнинг халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш ва маҳаллий рейтингни яхшилашга омил бўлувчи илмий фаолият натижалари бўйича ойлик иш ҳақига фоиз кўринишида белгиланади;

1.3. Бир марталик мукофот (пул ва натура кўринишида) – байрам муносабатлари билан ҳамда индивидуал ёки жамоавий тарзда алоҳида вазифаларни бажарган, фаолиятида юқори натижаларга эришган ходимларга **пул ёки натура** кўринишида тайинланади;

1.4. Кўшимчалар – бажариладиган ишлар ҳажми кенгайганда, ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганда ва тўғридан-тўғри ўз вазифасига кирмайдиган ишларни асосий иш вақтидан ташқари (ёки бирга) бажарган ходимларга кўшимча ҳақ тўланади;

1.5. Пуллик моддий ёрдам – ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлиқларини тиклаш ва бошқа ҳолларда берилади.

2. Ходимларни илмий фаолияти натижаларини кўшимча рағбатлантириш мезонлари Институт томонидан ишлаб чиқилади ва Илмий кенгаши хулосасига кўра Кузатув кенгаши томонидан 2-иловага мувофиқ тасдиқланади.

3. Институтнинг профессор-ўқитувчиларини ва бошқа тоифадаги ходимларини моддий рағбатлантириш пул мукофотлари кўринишида, шунингдек, меҳнат фаолиятида юқори ижодий ва ишлаб чиқаришдаги эришган ютуқлари учун институт раҳбарияти томонидан асосий иш ҳақига устама ва кўшимча ҳақлар белгилаш орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Пул мукофотлари, устамалар ва қўшимча ҳақлар миқдори ҳар бир ходимнинг Институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қўшган шахсий хиссасига қараб белгиланади.

5. Институтнинг раҳбарларига (ректор ва проректорлар) меҳнат фаолиятида эришган юқори ижодий ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари учун устама ва қўшимча ҳақлар ҳамда пул мукофотлари **Кузатув кенгаши** билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Институтнинг мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, илмий-интеллектуал салоҳияти ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида институт ҳар йили профессор-ўқитувчи ва ходимлар томонидан бажарилган ишларнинг самарадорлиги ва сифатига қараб институт моддий рағбатлантириш тартиби ва ҳажмларини белгилаши шарт.

7. Моддий рағбатлантириш нафақат бир ходим учун, балки институт раҳбарияти ёки бошқа бошқарув органлари томонидан жамоатчилик ишларини бажарган бутун бир жамоа, кафедра, факультет, илмий лаборатория ва бошқа бўлинмалар ходимларига ҳам берилиши мумкин. Бунда, моддий рағбатлантириладиган ходимларнинг рўйхати бажарилган ишларнинг аниқ кўрсаткичлари, эришилган натижалари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

8. Институт раҳбариятига бажарилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этган ходимлар моддий рағбатлантирилмайди.

9. Институтнинг ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот ва иқтисодий фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ходимларни рағбатлантириш ўқув йили давомида амалга оширилиши мумкин.

10. Рағбатлантириш кўрсаткичлари бажарилган ишларнинг хусусияти, ўзига хослиги ва институт (унинг таркибий бўлинмалари)нинг йўналишидан келиб чиқиб аниқлаштирилган бўлиши лозим. Жамоа (аниқ бир ходим) моддий рағбатлантирилишида ҳақиқатан ҳам эришиши мумкин бўлган кўрсаткичлардан икки ёки учтадан кўп булмаган мукофотлаш мезонлари белгиланади.

11. Ходимларни моддий рағбатлантириш ёки уларга моддий ёрдам бериш касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Институтнинг раҳбарлари (ректор, проректор) учун эса Кузатув кенгашининг розлигига асосан белгиланади.

12. Ходимларни моддий рағбатлантириш Институтнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Институт раҳбарияти томонидан ва ходимларга моддий ёрдам бериш Институтнинг Жамоа шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вақтида бажарилмаганда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилганда устамаларни бекор қилиш ёки камайтириш интизомий жазо чораси ҳисобланмайди.

14. Институт раҳбари иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вақтида бажарилмаганда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилганда устамаларни бекор қилиш ёки камайтиришга ҳақли.

15. Институтнинг профессор-ўқитувчилари, бошқа тоифадаги ходимларини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида базавий лавозим маошларига устамалар белгилаш, бир йула мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун ва уларни белгилаш мақсадида комиссия фаолияти ташкил этилади.

16. Комиссия ўз фаолияти давомида қарорлар қабул қилишда ҳолислик, очиқлик, ошкоралик ва белгиланган тартибларга қатъий амал қилиш тамойилларига таянган ҳолда иш олиб боради.

#### **IV-боб. Комиссиянинг асосий азифалари**

Комиссияга куйидаги асосий вазифалар юкланади:

- Институтнинг ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган етук мутахассисларни тайёрлаш фаолияти жараёнида ўрناق кўрсатган, юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўз хизмат мажбуриятларини ҳалол ва фаол амалга оширгани учун ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш йулида моддий рағбатлантириш мақсадида Комиссияга келиб тушган билдиришномаларни ўрганиб чиққан ҳолда муносиб номзодларни аниқлаш ва тасдиқлаш;
- Ходимларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида моддий рағбатлантиришларнинг миқдорини, зарур ҳолларда муддатини белгилаш;
- Институт ходимларининг мурожаатига кўра фавқулодда ҳолларда (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олганда, оғир касалликка

чалинганда, табиий офатдан зарар кўрганда ва бошқа ҳолларда) уларга кўрсатиладиган моддий ёрдам миқдорини белгилаш;

- Институт ходимларининг навбатдаги ўқув ёки календар йили давомида фаолиятини баҳолаш бўйича мониторинг ишларини олиб бориш ҳамда ходимларнинг меҳнат фаолиятида аниқланган ўзгаришлар асосида моддий рағбатлантириш миқдори ва муддатларини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш.

## **V-боб. Комиссия тuzилмаси ва таркиби ва қарорлар қабул қилиш тартиби**

1. Комиссия таркиби қуйидаги лавозимдаги шахслар таркибидан тuzилади:

**Комиссия раиси - ректор;**

**Комиссиянинг қолган аъзолари:**

- Ишлар бошқармаси бошлиғи;
- бош ҳисобчи;
- режа молия бўлими бошлиғи;
- бош аудитор;
- касаба уюшмаси раиси;
- ходимлар бўлими бошлиғи.

2. Режа-молия бўлими бошлиғи бир пайтнинг ўзида мазкур комиссия масъул котиби ҳисобланади ҳамда тегишли буйруқ билан тасдиқланади.

3. Комиссия таркибига зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш ёки вақтинчалик аъзоларни жалб қилиш Институт ректорининг буйруғига асосан амалга оширилади.

4. Комиссия аъзоларининг лавозимлари ўзгарганда ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар комиссия таркибига киритилган деб ҳисобланади.

5. Комиссия мажлиси заруратга кўра ташкил этилади.

6. Комиссия масъул котиби комиссия мажлисини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва мажлисдан 1 кун олдин уларни Комиссия раиси ва аъзоларига тақдим этади.

7. Комиссия масъул котиби мажлисдан сўнг комиссия қарорини расмийлаштиради ҳамда Институт ректорига тақдим этади ҳамда ҳужжатлар юритилиши ва сақланишини таъминлайди.

8. Мажлисда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми, шу жумладан комиссия раиси, касаба уюшма раиси ва масъул котиб иштирок этганида мажлис ҳақиқий ҳисобланади ва иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

9. Комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлганида, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

10. Комиссия ўз фаолияти жараёнида кун тартибидаги масалалар бўйича самарали қарор қабул қилиш мақсадида тегишли бўлим (бошқарма, тузилма) раҳбарларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

11. Комиссия, Институтда эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда фаолиятини амалга ошираётган барча ходимлар учун белгиланадиган моддий рағбатлантириш чораларини тубдан қайта кўриб чиқиш ваколатига эга.

Бунда, Институтнинг молиявий аҳволи ва барқарорлиги, келгусида бажарилиши кўзда тутиладиган ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Институт ректорининг алоҳида топшириғи асос бўлади.

12. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади, раиси ва масъул котиб томонидан имзоланади ҳамда Институт муҳри билан тасдиқланади.

13. Моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган моддий рағбатлантиришнинг барча турлари Комиссия мажлиси қарорига асосан Институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Комиссиянинг барча аъзолари комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва фаолияти юзасидан коллегия тарзда жавобгар ҳисобланади.

## **VI-боб. Ойлик иш ҳақиға устамалар ва бир марталик мукофотларни белгилаш тартиби**

**Профессор-ўқитувчиларга** устама ҳақ ёки бир марталик мукофотларни белгилаш учун профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти қуйидаги мезонларга мос келиши керак:

ўқув жараёнини ташкил этишдаги салмоқли ютуқлари, уларни жаҳон стандартлари даражасида доимий равишда янгилаб бориш, фан, техника, янги технологиялар ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари ҳамда истиқболлари, илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни белгилайдиган соҳаларда махсус курслар ташкил этиш;

ўқув ва ўқув-услугий ишларнинг самарадорлиги ва сифатини таъминловчи юқори педагогик маҳоратга, талабанинг ижодий ҳамда идрок қилиш қобилиятини оширишни таъминловчи ўқитишнинг илмий-методик даражасига эга бўлиш;

ўқитишнинг фаол усулларидан ва билимларини назорат қилиш, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак ахлохий жиҳатларини шакллантириш, беш ташаббус йуналишлари бўйича ютуқларга эришиш;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш ва ишлаб чиқиш;

барча турдаги ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш, талабалар тўғаракларини, ёшлар ижодий марказларини ҳамда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини бошқариш, шунингдек талабалар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиш, танловларда, конференциялар ва симпозиумларда фаол қатнашиш;

ўқув жараёнида замонавий компьютер техникаларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, талабаларнинг мустақил таълим олишини шакллантириш;

тайёрланаётган мутахассислар сифатини ошириш мақсадида олий таълимнинг долзарб масалалари буйича илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш ва уларни ўқув-тарбиявий жараёнига татбиқ этиш;

илмий-услубий кенгашлар ва ўқув-услубий бирлашмаларда самарали иш олиб бориш, ўқув режа ва дастурларини ҳамда тиббиёт тармоқларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

фан ва техника ҳамда тиббиёт тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган мақолалар, монографиялар ва китобларни нашр этиш;

Ўзбекистан Республикаси манфаатларини кўзлаб турли хилдаги ижтимоий-сиёсий ва оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

илмий ва педагог кадрлар тайёрлашда, докторантлар, жумладан хориж давлатларидаги докторантларга илмий раҳбарлик қилишда ижобий натижаларга эришиш;

фан доктори дипломини олгандан сўнг талабгор (агар институтда фаолият юритаётган бўлса) ва унинг илмий раҳбари;

ҳисобот йили давомида амалиётга татбиқ қилинадиган диплом лойиҳаларига раҳбарлик қилиш;

чет тилларидан (инглиз, француз, немис ва бошқа) бири ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этиш;

жаҳоннинг нуфузли журналларида мақола чоп этиш (Scopus, web of Scince);

бюджетдан ташқари маблағларни кўпайтиришда, шунингдек институтнинг моддий-техника базасини ҳомийлик асосида мустаҳкамлаш борасида шахсий ташаббус кўрсатиш;

ҳар бир ходимнинг институт фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қўшган шахсий хиссаси, берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариши ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашиши.

**2. Бошқа тоифадаги ходимларга** устама ҳақ ёки бир марталик мукофотларни белгилаш учун уларнинг фаолияти қуйидаги мезонларга мос келиши керак:

меҳнат шартномаси ва лавозим йуриқномасида белгиланган хизмат вазифаларини ўз вақтида, сифатли бажариш;

юклатилган вазифаларга ситқидилдан масъулият билан ёндашиш, иш ҳажмидан ортиқ ишлар бажаришда фаол бўлиши;

вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги ва тўғридан-тўғри ўз вазифасига кирмайдиган ишларни асосий иш вақтидан ташқари вақтида (ёки иш вақтида) бажариши;

бажариладиган ишлар ҳажми кенгайганлиги бунда лавозим йуриқномасида келтирилган вазифалардан ортиқча ишларни бажарганлигини тасдиқловчи асос бўлиб ходим раҳбарининг билдиргиси ҳисобланади (маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлар билан юқори турувчи раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим);

ўз фаолиятларида фан ютуқлари, янги замонавий техникалардан изчил фойдаланиш ва эгаллаган лавозимлари буйича касбий маҳоратларини доимий равишда ошириб бориш.

**3. Ойлик иш ҳақиға устама белгиланадиган устамалар** аниқ муддатга эга бўлиб, профессор-ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижасида, бошқарув-маъмурий ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига тадбиқ этилган коэффицент натижасида аниқлаштирилган, хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар тариф ставкаси бўйича ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз кўринишида белгиланади.

Ходимлар ойлик иш ҳақиға устама ҳақ ва бир марталик мукофотлар Институт ректори буйруғига асосан белгиланади ёки олиб ташланади.

Навбатдаги молиявий йил учун ўзгартирилиши кўзда тутилмаган устама ҳақлар ходимларнинг тарификацион рўйхатиға биноан Институт ректори буйруғига биноан белгиланади. Таркибий бўлим раҳбарлари билдиришномалари талаб қилинмайди.

Институт ректори фаолиятиға баҳо бериш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш Кузатув кенгаши томонидан амалға оширилғуниға қадар базавий ойлик маошиға 100 фоиз устама миқдорида Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланади.

Институт проректорлари фаолиятиға баҳо бериш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш Кузатув кенгаши томонидан амалға оширилғуниға қадар базавий ойлик маошиға устама ҳақ Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ректор буйруғи асосида тўланади.

Институтда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, бошқарув-маъмурий ҳамда хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳолаш, меҳнатға ҳақ тўлаш тизимлари жорий этилғуниға қадар ходимларнинг базавий ойлик маошиға устама ҳақ Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ректор буйруғи асосида тўланади.

**4. Бир марталик мукофотлар** индивидуал ёки жамоавий тарзда Институтнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Институт ректори буйруғига

асосан тайинланади.

Индивидуал ёки жамоавий мукофотларни тайинлашда ходимларнинг эгаллаган лавозимлари, кўрсатган хизматлари, эришган ютуқлари асосида табақаланган ҳолда белгиланиши мумкин.

Давлат мукофоти ҳамда Республика танловида ғолиб бўлган, Республика миқёсида кўкрак нишони билан тағдирланган талабанинг илмий раҳбарига мукофотлар берилиши мумкин.

**5. Институт профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларига қўйидаги ҳолларда моддий ва қўшимча рағбатлантириш ёки устама ҳақлар белгиланмайди ва тўхтатилади:**

Ташқи ўриндош асосида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва бошқа тоифадаги ходимларга (агар жамоат шартномаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларнинг жамоат шартномаларида назарда тутилмаган бўлса);

устама ҳақ тўланаётган ойда меҳнатга лаёқатсиз бўлганда;

ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилганда;

меҳнат шартномаси ёки лавозим йўриқномасида белгиланган хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаганда;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларини бўзганларга.

## **VII-боб. Моддий ёрдамни белгилаш**

**1. Қўйидаги ҳолларда институт ходимларига уларнинг муурожаатига асосан Касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий ёрдам тўланади.**

яқин қариндошлари (ота-она, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин) вафот этганда;

ходимнинг тўйи ёки юбилей тантанаси муносабати билан;

ходимнинг ўз соғлиғини тиклаши муносабати билан;

табiiй офатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда уларга зарар етказилганда;

Моддий ёрдам пуллари никоҳ тўйи, фарзандаларининг тўйи, фарзандли бўлиш ва бошқа муносабатлар билан ҳам берилиши мумкин.

**2. Моддий ёрдам пуллари учун аризалар шахсан ходимнинг ўзи томонидан юқорида келтирилган сабабларнинг бири кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.**

Касаба уюшма қўмитасига тушган аризалар асосида ўтказилган мажлис баёнига асосан институт ректори томонидан буйруқ билан расмийлаштирилади.

## **VIII-боб. Моддий рағбатлантириш миқдори ва манбалари**

1. Институт ўз олдига қўйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш ва маҳаллий рейтингини ва нуфузини ошириш, меҳнат бозорида рақобатбардош иш ҳақларини таклиф этиш мақсадида профессор-ўқитувчилар, бошқарув-маъмурий ҳамда хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимларни моддий рағбатлантириш миқдорларини ўз молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди. *(ВМ 967-сон 03.12.2019 йил 6-а банд)*

2. Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 30 фоиздан кўп бўлмаган қисми таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларини моддий рағбатлантиришга сарфлаши мумкин.

3. Хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббускорлик билан бажарган институт ходимлари байрамлар, алоҳида саналар ҳамда институт фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссалари инобатга олинган ҳолда ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида бир марталик моддий рағбатлантирилади.

4. Бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига тушган барча маблағларнинг 50 фоизигача Институтнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий ва қўшимча рағбатлантиришга ҳамда ходимларга моддий ёрдам беришга сарфланиши мумкин.

5. Барча моддий ва қўшимча рағбатлантириш ҳамда моддий ёрдам бериш билан боғлиқ қаражатлар институтнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, бирламчи қаражатлари қопланганидан сўнг амалга оширилади.

## **IX-боб. Яқуний қоидалар**

1. Институтнинг штатдаги ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимида назарда тутилган рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар ҳам қўлланилиши мумкин.

2. Устама ҳақларни мезонларга мувофиқ белгилаш ва тўлаш учун жавобгарлик **институт ишчи гуруҳ** зиммасига юкланади.

3. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

4. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг халқаро ҳамда маҳаллий рейтингдаги ўрнини яхшилашга ҳисса қўшган бошқарув, профессор-ўқитувчи, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларини 2022 йилда қўшимча равишда рағбатлантириш мезонлари**

Т/Р	Бир марталик рағбатлантириш		
	Рағбатлантириш учун мезонлар	МХЭKM баробари	Рағбатлантириш миқдори
1	ГТА докторантининг докторлик (DSc) диссертациянинг химоя қилинишида илмий раҳбарлиги учун	4	3 288 000
2	ГТА докторантининг номзодлик (PhD) диссертациянинг химоя қилинишида илмий раҳбарлиги учун	3	2 055 000
3	Ўқув қўлланма учун	2	1 644 000
4	Чоп этилган монография учун	1	822 000
5	Патент учун, шу жумладан:		
5,1	–DGU	0,5	411 000
5,2	–BGU	0,5	411 000
6	Рационализаторлик (10 та ва ундан кўп) таклифи учун	0,5	411 000
7	Муаллифлик ҳуқуқи берилган ҳар бир гувоҳнома учун	0,5	411 000
8	Республика даражасида кўзда тутилган халқаро конференция ташкил этганлиги учун	3	2 466 000
9	Фан ва таълим йўналишида талабага раҳбарлик қилиб олимпиада ва танловларда ўрин олгани учун		
9,1	–халқаро	2	1 644 000
9,2	–республика миқёсида	1	822 000
10	Спорт йўналишида талабага раҳбарлик қилиб олимпиада ва танловларда ўрин олгани учун		
10,1	–халқаро	2	1 644 000
10,2	–республика миқёсида	1	822 000

Т/Р	Давомий рағбатлантириш		
	Рағбатлантириш учун мезонлар	МХЭKM баробари	Рағбатлантириш миқдори
1	Топ 1000 талик халқаро рейтингга кирувчи ОТМларида докторлик ёки унга тенглаштириладиган даражасини химоя қилгани учун	1,5	1 233 000
2	Топ 1000 талик халқаро рейтингга кирувчи ОТМларида номзодлик ёки унга тенглаштириладиган даражасини химоя қилгани учун	1	822 000
3	Топ 1000 талик халқаро рейтингга кирувчи ОТМларида ўқув машғулоти ўтказганлиги учун		
3,1	–3 тагача машғулот учун	0,75	616 500
3,2	–машғулот курси учун	1	822 000
4	Дарслик яратганлиги учун	1,5	1 233 000
5	Scopus маълумотлар базалари журналларида эълон қилинган ҳар бир мақола учун, шу жумладан:		
5,1	–1 ва 2 квартал	1,5	1 233 000
5,2	–3 ва 4 квартал	0,75	616 500
6	Web of Science (импакт-фактори 6 ва ундан юқори) ёки бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари журналларида эълон қилинган ҳар бир мақола учун	0,75	616 500
7	Хирш индекси 5 ва ундан юқори бўлганлиги учун	2,5	2 055 000
8	Патент учун, шу жумладан:		
8,1	–FAP	0,75	616 500
8,2	–IAP	1	822 000

**Изоҳ:** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХЭKM) ўзгарганда рағбатлантириш миқдори ўзгаради.  
МХЭKM 01.01.2022 йил ҳолатида 822 000 сўм.



